

Тохир Эрматов, Фотима Илхомжоновна

Тошкент молия институти

КОРХОНАЛАРДА МОЛИЯВИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Аннотация. Мақолада корхоналарда молиявий бошқарув тизимини ташкилаштиришнинг назарий асослари, ташкил этиш усуллари, молиявий менежмент тизимининг корхонадаги иқтисодий аҳамияти баён этилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасидаги акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳолати таҳлил этилган. Шунингдек, корхонада самарали молиявий бошқарувга таъсир этувчи омиллар ажратиб олиниб, улар бўйича таҳлиллар ўтказилган ҳамда ушбу йўналишда хорижий мамлакатлар тажрибаси атрофлича баён этилган.

Таянч сўзлар: самарадорлик, бошқарув тизими, молиявий бошқарув, акциядорлик жамияти, соф фойда, хусусий капитал, активлар рентабеллиги, пул оқимлари, инвестициялар.

INCREASING THE EFFICIENCY OF THE FINANCIAL MANAGEMENT SYSTEM AT ENTERPRISES

Abstract. The article describes the theoretical foundations of the organization of the financial management system in enterprises, methods of organization, the economic significance of the financial management system in the enterprise. In particular, the financial position of joint-stock companies in the Republic of Uzbekistan was analyzed. The factors influencing the effective financial management at the enterprise were also identified and analyzed, and the experience of foreign countries in this direction was described in detail.

Key words: efficiency, management system, financial management, joint-stock company, net profit, equity, return on assets, cash flows, investments.

Кириш

Ҳозирги кунда жаҳонда корхоналарда молиявий ресурсларни шакллантириш ва уларни тўғри тақсимлашнинг аҳамияти тобор ортиб бормоқда. Хусусан, New York Stock Exchange (NYSE) халқаро тоифадаги фонд биржасида ўтказилган бирламчи оммавий таклиф (IPO)да Kenvue Inc. 4,372 млрд. АҚШ доллари, Nextracker Inc 734,16 млн. АҚШ доллари, Acelyrin Inc.

621,0 млн. АҚШ доллари, Atlas Energy Solutions Inc. 324,0 млн. АҚШ¹ долларлик қўшимча молиявий ресурсларга эга бўлган. Ушбу молиявий ресурсларни бошқариш ва тўғри йўналтиришда молиявий менежментнинг аҳамияти каттадир. Зеро, иқтисодий ривожлантириш ва модернизациялаш жараёнида корхоналарда молиявий бошқарув тизимини самарали ташкил этиш, қўйилган стратегик мақсадларга эришишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Юртимизда корхоналарни молиявий бошқарув тизимини самарадорлигини ошириш, менежмент тизимида сифат кўрсаткичларни жалб этиш борасида стратегик мақсадлар компания ва бошқарув органлари томонидан ишлаб чиқилгандир. Хусусан, “давлат улуши мавжуд хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналарида корпоратив бошқарувни жорий этиш, уларнинг операцион самарадорлигини ошириш ва очиқлигини таъминлаш бўйича тизимли ишларни давом эттириш, шунингдек, давлат иштирокидаги корхоналарнинг бозор механизмларига ўтишини жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.03.2023 йилдаги ПҚ-83-сонли “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш жараёнларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори”² қабул қилинган бўлиб, ушбу ҳужжат доирасида 30 дан зиёд йирик корхоналарни ислоҳ қилиш ва операцион самарадорликни ошириш белгилаб олинган. Ушбу жиҳатларни инобатга олганда, корхоналарда молиявий бошқарув тизими самарадорлигини ошириш ва ушбу йўналишда тадқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Копманияларда молиявий бошқарув тизимининг назарий-амалий жиҳатларини ва ундаги мавжуд муаммолар дунё иқтисодчи олимлари томонидан кенг миқёсида ўрганилиб келинмоқда. Хусусан, хорижлик иқтисодчи олимлар Magdalena Arcilla, Jose A. Calvo-Manzano, Tomás San Feliu³ лар ахборот-коммуникацион соҳадаги компанияларда молиявий менежмент сиёсатининг мазмун моҳияти ва муаммолар бўйича амлий таклифларни ўзларининг илмий тадқиқотларида келтириб ўтганлар.

Аграрсаноат соҳасида фаолият олиб бораётган компанияларда молиявий менежмент тизими, хусусан пул оқимларни йўналтиришдаги муаммолар

¹ <https://www.nyse.com/ipo-center/recent-ipo>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.03.2023 йилдаги ПҚ-83-сонли “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш жараёнларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.03.2023 й., 07/23/83/0120-сон

³ Magdalena Arcilla, Jose A. Calvo-Manzano, Tomás San Feliu, Building an IT service catalog in a small company as the main input for the IT financial management, Computer Standards & Interfaces, Volume 36, Issue 1, 2013, Pages 42-53

бўйича Kulwa Mwita Mangana, Daniel Wilson Ndyetabula, Silver John Hokororo⁴ илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Лойихалаш жараёнида молиявий менежментни тўғри ташкил этиш ва самарадорликка эришиш бўйича хорижлик иқтисодчи олимлар Faris Elghaish, Farzad Pour Rahimian, M. Reza Hosseini, David Edwards, Mark Shelbourn⁵лар ўз илмий тадқиқотларида баён этганлар. Шунингдек, иқтисодчи олимлардан Nannan Li, Zhenjing Gu, Gadah Albasher, Nouf Alsultan, Ambreen Fatemahлар молиявий менежмент, блокчейн ва табиий ресурсларнинг ўзаро таъсирини илмий тадқиқотларда ўрганишган бўлиб, уларнинг фикрича: “Сўнгги йилларда дунё барқарор ривожланиш муаммоларига дуч келди ва барқарор ривожланиш яхши тараққиёт тимсолига айланди. Бу борадаги энг қийин сиёсат муаммоларидан бири узоқ муддатли ривожланиш ва ижтимоий фаровонлик учун табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва бошқаришдир. Барқарор ривожланиш амалиётини оммалаштириш бўйича миллий ва халқаро миқёсда саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда”⁶, иқтисодиётни жадал ривожланиши табиий ресурсларга бўлган эҳтиёжни оширади ва бунда корхоналарда молиявий менежмент самарадорлигини ошириш ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Молиявий менежментнинг миллий иқтисодиётдаги ўрни, унинг назарий жиҳатларини рус забон иқтисодчи олимлардан Карпасова З.М.⁷, Басовский Л.Е.⁸, Екимова К.В., Савельева И.П., Кардапольцев К.В.⁹, Попова Л.В.¹⁰, Пятанова В.И.¹¹ ўзларининг илмий тадқиқотларида баён этганлар.

Юртимиз иқтисодчи олимларидан Р.Карлибаева¹² ўзининг илмий тадқиқотларида молиявий менежмент тизимининг тараққиёти ва уни корхона бошқарувидаги ўрнини қайд этиб ўтган бўлса, Темиров А.А., Махмудов

⁴ Kulwa Mwita Mang'ana, Daniel Wilson Ndyetabula, Silver John Hokororo, Financial management practices and performance of agricultural small and medium enterprises in Tanzania, Social Sciences & Humanities Open, Volume 7, Issue 1, 2023, 100494,

⁵ Faris Elghaish, Farzad Pour Rahimian, M. Reza Hosseini, David Edwards, Mark Shelbourn, Financial management of construction projects: Hyperledger fabric and chaincode solutions, Automation in Construction, Volume 137, 2022

⁶ Nannan Li, Zhenjing Gu, Gadah Albasher, Nouf Alsultan, Ambreen Fatemah, Nexus of financial management, blockchain, and natural resources: Comparing the impact on environmental sustainability and resource productivity, Resources Policy, Volume 83, 2023, 103730, ISSN 0301-4207,

⁷ Карпасова З.М. Финансовый менеджмент: Учебное пособие/ З.М. Карпасова. – Киров:Издательство, 2004.- 137с.

⁸ Басовский Л. Е. Финансовый менеджмент. – 2012.

⁹ Екимова К. В., Савельева И. П., Кардапольцев К. В. Финансовый менеджмент. – 2014.

¹⁰ Попова Л. В. Финансовый менеджмент и его роль в современной системе менеджмента //Экономические и гуманитарные науки. – 2011. – №. 8. – С. 87-91.

¹¹ Пятанова В. И. Меняющаяся роль финансового менеджмента организации в современной среде //Российское предпринимательство. – 2017. – Т. 18. – №. 12. – С. 1965-1974.

¹² Р.Карлибаева Молия тизими тараққиёти ва молиявий менежмент назарияси шаклланишининг фундаментал асослари //Архив научных исследований. – 2020. – Т. 35.

С.Б.¹³лар молиявий менежментдаги муаммоларни хал этиш юзасидан ўзларининг амалий таклифларини шакллантирганлар.

Молиявий менежментда солиқларни режалаштириш юзасидан иқтисодиёт соҳасидаги олим С.Элмирзаев фикрича: “Корхоналарда солиқларни режалаштириш амалиётини ташкил этишда солиқли вазиятлардан келиб чиққан ҳолда стратегик режалаштириш, солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланишга қаратилган жорий режалаштириш, солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлашга қаратилган, шунингдек шартномавий муносабатларни ҳисобга олувчи оператив режалаштириш тарзида ташкил этиш мақсадга мувофиқ”¹⁴. Шунингдек, О.Н.Ҳамдамов¹⁵ компанияларда молиявий барқарорлигини таъминлашда молиявий менежментнинг аҳамиятини ошириш истикболлари юзасидан ўзининг илмий тадқиқотларини ўтказган.

Юқоридаги жиҳатни инобатга оладиган бўлсак, молиявий менежмент барча молиявий оқимларни назоратини олиши ва шакллантириш зарурдир.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида молиявий менежмент тизимидан самарали фойдаланган ҳолда акциядорлик жамиятлари фаолиятини ривожлантиришнинг назарий ва амалий асослари борасида хорижий ва маҳаллий олимларнинг ишлари ўрганилди ва таҳлил қилинди. Мақолада назарий мушоҳада, тизимли ёндашув, кузатиш, умумлаштириш ва таҳлил каби усуллар самарали қўлланилди, шунингдек молиявий менежмент тизимида мавжуд муаммолар ва уларни ечимлари, бу борада амалга оширилиши керак бўлган вазифалари борасида хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Таҳлил ва натижалар

Амалиётдан маълумки, корхоналарни фаолиятини ривожлантиришда менежмент тизими, хусусан, молиявий менежмент тизими алоҳида ўрин эгаллайди. Иқтисодчи олимлар таъкидлаганидек: “Молиявий менежмент, бир томондан, ўзининг хусусиятлари ва маълум қонуниятларга эга бўлган бошқариладиган тизимдир, иккинчи томондан эса, корхонани бошқариш умумий тизимининг муҳим таркибий қисми сифатида бошқарув тизимидир”¹⁶. Фикримизча, молиявий менежмент корхонанинг ўз мақсадларга эришиш учун

¹³ Темиров А. А., Махмудов С. Б. Корхоналар фаолиятида самарали молиявий бошқарувни ташкил этиш хусусиятлари //Архив научных исследований. – 2022. – Т. 4. – №. 1.


¹⁴ С.Элмирзаев Корпоратив солиқ менежментини самарали ташкил этиш ва ривожлантириш масалалари // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. – 2015. – №. 3. – С. 116-123.

¹⁵ О.Н.Ҳамдамов Акциядорлик жамиятлари молиявий барқарорлигини таъминлашда молиявий менежментнинг аҳамиятини ошириш истикболлари." Экономика и финансы (Узбекистан) 6 (142) (2021): 29-35.

¹⁶ Темиров А. Корхоналар фаолиятида самарали молиявий бошқарувни ташкил этиш хусусиятлари //Архив научных исследований. – 2019.

унинг молиявий ресурсларини шакллантирувчи ва назорат қилувчи тизим ҳисобланади.

Иқтисодий адабиётларда қайд этилганидек: “Молиявий менежмент - хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ресурсларни бошқариш, молиявий таҳлил, режалаштириш, шунингдек, капитални шакллантириш ва тақсимлашни ўз ичига олади”¹⁷ молиявий менежмент молиявий ресурслардан самарали фойдаланишни ўрганади ва ўргатади.



1-расм. Молиявий менежмент функциялари¹⁸


1-расм маълумотларидан шуни қайд этиш жоизки, молиявий менежментнинг махсус функциялари корхонада активларни, капитални, инвестицияларни, пул оқимларини, молиявий рискларни самарали бошқаришдан иборат ҳисобланади.

Корхона активлари бевосита корхона фаолиятида яъни ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнида ишлатиладиган моддий ва номоддий кўринишдаги воситалар ҳисобланаса, капитал бошқариш эса фаолиятни

¹⁷ Попова Л. В. Финансовый менеджмент и его роль в современной системе менеджмента //Экономические и гуманитарные науки. – 2011. – №. 8. – С. 87-91.

¹⁸ А.Г.Ибрагимов, З.Р.Мадаминов, М.Э.Рахматалиев. Молиявий менежмент. - Т.: "Баркамол файз медиан", 2016, 232 бет.

бошлаш ва кенгайтиришда мулкдорлар ҳамда қарз берувчиларнинг молиявий ресурсларини тўғри йўналтиришни намаён этади. Бў ўринда хусусий капитал ва активларнинг ўсиш тенденцияси корхона қай даражада фаолият олиб бораётганда далолат беради. Хусусан, юртимиздаги қурилиш ва саноат соҳасига турли хилдаги ойналар, халқ истъмоли учун банкаларни ишлаб чиқарувчи, Ўзбекистонда йирик ҳамда етакчи ҳисобланган “Кварц” акциядорлик жамияти таҳлил этар эканмиз, унинг активлари ва хусусий капитали қуйидагича (2-расм).




2-расм. “Кварц” акциядорлик жамияти актив ва хусусий капитали ўзгариш динамикаси, трлн. сўм ва фоизда¹⁹

2-расм маълумотларидан айтиш жоизки, сўнги йилларда “Кварц” акциядорлик жамиятининг активлари қиймати ижобий ўзгаришда, хусусан, 2015 йилда активлар қиймати 0,12 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб 0,99 трлн. сўм ёки 8,25 мартага ошган. Активларни энг катта ўзгариши 2020 йилга тўғри келган. “Кварц” акциядорлик жамиятининг хусусий капитали тўғрисида айтadиган бўлсак, 2015 йилда 0,11 трлн. сўмдан 2022 йилнинг 9 оyi кўрсаткичлари бўйича 0,42 трлн. сўмни ташкил этган.

¹⁹ <https://kapdepo.uz/kd-ideas#analytics> – маълумотлари асосида тайёрланган
International Journal of Finance and Digitalization
Email: ijfd.uz@gmail.com

Молиявий менежментда хусусий капитал ва активлар рентабеллиги муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. “Акционер (хусусий) капитал рентабеллиги – (ROE — Return On Equity). Бу кўрсаткич корхоннинг ўз капиталидан олинган даромаднинг қийматини аниқлаш учун ишлатилади. Акционер инвестициясининг рентабеллиги – TSR — Total Shareholders Return. Умумий акциядорлар даромади. Ушбу индикатор акциядорлик жамиятлари акцияларининг ўзгариши ва дивидендларни ҳисоблаш натижасида акциядорлар даромадларининг нисбатини англатади. Активлар рентабеллиги - ROA — Return On Assets. Ушбу кўрсаткич корхона активларининг фойдалилик даражасини характерловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. Активлар рентабеллиги ҳар бир сўмлик активга тўғри келадиган солиқлар тўлангунга қадар фойда суммасини ифодалайди”²⁰. Қуйидаги расмдан “Кварц” акциядорлик жамиятининг активлари ва хусусий капитали рентабеллиги кўрсаткични кўришимиз мумкин (3-расм).



3-расм. “Кварц” акциядорлик жамиятининг молиявий кўрсаткичлари ўзгариш динамикаси²¹²²


²⁰ Yakubov U., Jumaboev T. Efficiency analysis of joint-stock companies //International Finance and Accounting. – 2018. – Т. 2018. – №. 5. – С. 24.

²¹ <https://kapdepo.uz/kd-ideas#analytics> – маълумотлари асосида тайёрланган

²² <https://kapdepo.uz/kd-ideas#analytics> – маълумотлари асосида тайёрланган

Юқоридаги 3-расм маълумотларидан шуни қайд этиш жоизки, “Кварц” акциядорлик жамиятида активларнинг рентабеллиги(ROA)нинг энг юқори кўрсаткичи 38,9 фоиз 2017 йилда эришилган бўлиб, кейинги йилларда ушбу кўрсаткич тушиб борганини кузатишимиз мумкин. Шунингдек, хусусий капитал рентабеллиги(ROE)нинг энг юқори 44,4 фоиз ҳам ўша даврда эришилган. Компаниянинг умумий рентабеллиги 2016 йида 94,2 фоизни кўрсатган бўлса, 2021 йилда 35,1 фоизни ташкил этган. Кузатилган даврда “Кварц” акциядорлик жамиятида тезкорлик ликвидлик яъни жорий мажбуриятларни жорий активлар билан таъминланганлик даражаси ҳам тартибсиз равишда энг қуйи қиймати 0,65 дан 20,4 гача қайд этилган.

Молиявий кўрсаткичларни меъёрларини белгилаш ва уларни доимий равишда назорат қилиб бориш компания фойдасига тўғридан тўғри таъсир кўрсатади. Шунингдек, “Компанияларда ишлаб чиқариш ресурслари, ERP ва CRM бошқарув тизимлардан самарали фойдаланиш даражасини ошириш соф фойда микдорини кўпайишига ҳам олиб келади ва бу ўринда корпоратив бошқарув тизими ҳам муҳим аҳамият касб этади”²³. Қуйидаги расмдан “Кварц” акциядорлик жамиятининг соф фойда кўрсаткични кўришимиз мумкин (4-расм).



4-расм. “Кварц” акциядорлик жамияти соф фойдаси ва унинг ўзгариши²⁴

²³ А.Каримов, Б.Мирзаев Корхонада ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланган ҳолда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш. International Journal of Finance and Digitalization. Vol. 2 Issue 01, 2023

²⁴ <https://kapdepo.uz/kd-ideas#analytics> – маълумотлари асосида тайёрланган

4-расм маълумотларидан шуни таъкидлаш мумкинки, 2015-2017 йиллар мобайнида “Кварц” акциядорлик жамиятининг соф фойда бир текисда ошиб борган, лекин 2018-2019 йиллар соф фойда олдинги йилларга нисбатан пасайганини кузатишимиз мумкин. Шунингдек, компаниянинг бизнес режасига кўра, кейинги беш йилликда мунтазам ўсиш тенденциясини кузатишимиз мумкин.

Хулоса

Хулоса қилганда, молиявий менежмент миллий иқтисодиётнинг барча бўғинларидаги корхоналарига керак бўлган соҳа ҳисобланади ва уни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, корхонада молиявий бошқарув тизимининг самарадорлигини ошириш, пировард натижа соф фойдага таъсир кўрсатади. Ушбу ҳолатда, доимий равишда рентабеллик кўрсаткичларини ошириш бориш ва ликвидликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.03.2023 йилдаги ПҚ-83-сонли “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш жараёнларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.03.2023 й., 07/23/83/0120-сон
2. Magdalena Arcilla, Jose A. Calvo-Manzano, Tomás San Feliu, Building an IT service catalog in a small company as the main input for the IT financial management, Computer Standards & Interfaces, Volume 36, Issue 1, 2013, P. 42-53
3. Kulwa Mwita Mang'ana, Daniel Wilson Ndyetabula, Silver John Hokororo, Financial management practices and performance of agricultural small and medium enterprises in Tanzania, Social Sciences & Humanities Open, Volume 7, Issue 1, 2023, 100494,
4. Faris Elghaish, Farzad Pour Rahimian, M. Reza Hosseini, David Edwards, Mark Shelbourn, Financial management of construction projects: Hyperledger fabric and chaincode solutions,
5. Automation in Construction, Volume 137, 2022
6. Nannan Li, Zhenjing Gu, Gadah Albasher, Nouf Alsultan, Ambreen Fatemah, Nexus of financial management, blockchain, and natural resources: Comparing the impact on environmental sustainability and resource productivity,
7. Resources Policy, Volume 83, 2023, 103730, ISSN 0301-4207,
8. Карпасова З.М. Финансовый менеджмент: Учебное пособие/ З.М. Карпасова. – Киров:Издательство, 2004.- 137с.
9. Басовский Л. Е. Финансовый менеджмент. – 2012.

10. Екимова К. В., Савельева И. П., Кардапольцев К. В. Финансовый менеджмент. – 2014.
11. Попова Л. В. Финансовый менеджмент и его роль в современной системе менеджмента //Экономические и гуманитарные науки. – 2011. – №. 8. – С. 87-91.
12. Пятанова В. И. Меняющаяся роль финансового менеджмента организации в современной среде //Российское предпринимательство. – 2017. – Т. 18. – №. 12. – С. 1965-1974.
13. Р.Карлибаева Молия тизими тараққийи ва молиявий менежмент назарияси шаклланишининг фундаментал асослари //Архив научных исследований. – 2020. – Т. 35.
14. Темиров А. А., Махмудов С. Б. Корхоналар фаолиятида самарали молиявий бошқарувни ташкил этиш хусусиятлари //Архив научных исследований. – 2022. – Т. 4. – №. 1.
15. С.Элмирзаев Корпоратив солиқ менежментини самарали ташкил этиш ва ривожлантириш масалалари // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. – 2015. – №. 3. – С. 116-123.
16. О.Н.Ҳамдамов Акциядорлик жамиятлари молиявий барқарорлигини таъминлашда молиявий менежментнинг аҳамиятини ошириш истиқболлари." Экономика и финансы (Узбекистан) 6 (142) (2021): 29-35.
17. Темиров А. Корхоналар фаолиятида самарали молиявий бошқарувни ташкил этиш хусусиятлари //Архив научных исследований. – 2019.
18. Попова Л. В. Финансовый менеджмент и его роль в современной системе менеджмента //Экономические и гуманитарные науки. – 2011. – №. 8. – С. 87-91.
19. А.Г.Ибрагимов, З.Р.Мадаминов, М.Э.Рахматалиев. Молиявий менежмент. - Т.: "Баркамол фойз медиан", 2016, 232 бет.
20. Yakubov U., Jumaboev T. Efficiency analysis of joint-stock companies //International Finance and Accounting. – 2018. – Т. 2018. – №. 5. – С. 24.
21. А.Каримов , Б.Мирзаев Корхонада ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланган ҳолда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш. International Journal of Finance and Digitalization. Vol. 2 Issue 01, 2023
22. <https://kapdepo.uz/kd-ideas#analytics> – маълумотлари асосида тайёрланган
23. <https://www.nyse.com/ipo-center/recent-ipo>